

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВА НИЛУФАР МУХУТДИНОВНА

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ
ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ СУЮҚ ВА ЮМШОҚ ШАКЛЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2024

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Ризаева Нилуфар Мухутдиновна

Маҳаллий хомашё асосида биологик фаол қўшимчаларнинг суюқ ва юмшоқ шакллари технологиясини назарий ва амалий асослари..... 3

Ризаева Нилуфар Мухутдиновна

Теоретические и практические основы технологии жидких и мягких форм биологически активных добавок на основе местного сырья..... 27

Rizayeva Nilufar Mukhutdinovna

Theoretical and practical foundations of the technology of liquid and soft forms of dietary supplements based on local raw materials..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВА НИЛУФАР МУХУТДИНОВНА

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ
ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ СУЮҚ ВА ЮМШОҚ ШАКЛЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Far.36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Махмуджанова Комила Султановна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхтаев Хаким Рахмонович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Сакипова Зуриядда Бектимировна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Сотимов Ғайрат Бахтиёрвич
техника фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «16» август соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2024 йил «29» июль кuni тарқатилди.
(2024 йил «29» июль даги 55 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Европа озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бошқармаси (EFSA - European Food Safety Authority)нинг маълумотларига кўра АҚШ аҳолисининг 80%, Япония аҳолисининг 90%, Европа аҳолисининг - 70% мунтазам равишда биологик фаол қўшимчаларни истеъмол қилади, МДХ мамлакатларида эса ушбу кўрсаткич атиги 8% ташкил этади. EFSA меъёрий ҳужжатларида белгиланиши бўйича биологик фаол қўшимчалар озуқа моддаларининг концентрланган манбалари ёки нормал овқатланишни таъминлаш учун мўлжалланган физиологик таъсирга эга ҳамда инсон организми учун зарур бўлган витаминлар, минераллар, аминокислоталар ва б. биофаол моддалар манбаи ҳисобланади. Шунинг учун турли шаклдаги биологик фаол қўшимчалар таркибини илмий асослаш, технологиясини яратиш, уларни стандартлаш ва сифат меъёрларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кенг қўлланиладиган доривор ўсимлик хомашёларидан биологик фаол қўшимчаларнинг товаршунослик таҳлилини ўтказиш, уларни тавсифланишининг замонавий мезонларини ишлаб чиқиш, амалий тиббиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, асаб тизимининг нормал физиологик функцияларини таъминловчи, тинчлантирувчи таъсирли, метаболизмни яхшиловчи, яллиғланишга қарши биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш, самарадорлигини аниқлаш, турғунлигини белгилаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида маҳаллий табиий хомашёлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, улар асосида замонавий, экспортбоп, иқтисодий жиҳатдан самарадор биологик фаол қўшимчаларни яратиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22 мақсадида «12 турдаги экстракт ва биологик фаол қўшимча тажриба намуналарини ишлаб чиқариш ва сертификатлаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, доривор ўсимликлар асосида замонавий сифат меъёрлари талабларига жавоб берадиган биологик фаол қўшимчалар оптимал таркибини танлаш ва технологик жараёни ишлаб чиқиш, маҳаллий фармацевтика корхоналарига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сон «Доривор ўсимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали кўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Биологик фаол кўшимчалар таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш усуллари тавсия этиш, биофармацевтик самарадорлигини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National Nutritional Foods Association, National Institutes of Health, Office of Dietary Supplements, US Food and Drug Administration, NIH National Center for complementary and Integrative Health, Wisconsin-Stout University, Ohio State, National Research Centre for Environment and Health University (Америка қўшма штатлари); Robert Koch Institute, Institute of Epidemiology (Германия); University of East Anglia (Буюк Британия); Pharmaceutical and Food safety Bureau (Япония); Inha University, Shinsung University, Institute of Oriental Medicine (Жанубий Корея Республикаси); Умумий ва экспериментал биология институти, Федерал Давлат бюджети фан муассасаси «Озиқлантириш, биотехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги Федерал тадқиқот маркази», И.М.Сеченов номидаги биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Россия Фанлар академиясининг Сибирь филиали умумий ва экспериментал биология институти, Санкт-Петербург кимё-фармацевтика университети, Тверь Давлат тиббиёт академияси, Пятигорск Давлат фармацевтика академияси, Россия халқлар дўстлиги университети, Кубань фармацевтика академияси, Кемерово озиқ-овқат саноати технологик институти (Россия Федерацияси); Миллий фармацевтика университетида (Украина) олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликларни ўрганиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, турли шакллардаги БФҚнинг таркибини илмий

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content, www.scopus.com, www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, www.pubmed.com манбалар асосида кўриб чиқилган.

асослаш, унга асосан технологик жараёни ишлаб чиқиш, озукага қўшимчаларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш, заҳарлилик даражаси ҳамда самарадорлигини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: озикланиш жараёнида организмни зарур бўлган витаминлар, микро- ва макроэлементлар билан таъминлаш мақсадида табиий БФҚдан тўғри фойдаланиш тартиби аниқланган (Wisconsin-Staut University, Ohio State University, National Nutritional Foods Association, Food and drug administration, National Centre for complementery and alternative medicine, АҚШ); БФҚнинг турлари аниқланган (Pharmaceutical and Food safety Bureau, Япония); аҳоли ўртасида БФҚни соғлом овқатланиш воситаси сифатида қўллаш ҳолати белгиланган (Center for Clinical Research and Genomics, Institute Of Oriental Medicine, Хитой Халқ Республикаси); уйқу бузилишида Хитой ўсимлик дори воситалари таъсири исботланган (China Medical Universite, Хитой Халқ Республикаси); янги комплекс БФҚнинг технологияси ишлаб чиқилган (Россия Халқдар дўстлиги университети, Россия); таркибида *Chamomilla recutia*, *Glycyrrhiza glabra* ва *Bidens tripartia* ўсимлик йиғмасининг яллиғланишга қарши таъсири аниқланган (Саратов давлат тиббиёт университети, Россия), организмнинг умумий тонусини ошириш хусусиятга эга бўлган БФҚ технологияси яратилган (Пятигорск фармацевтика академияси, Умумий ва экспериментам биология институти, Россия); флавоноидларни яллиғланишга қарши таъсири исботланган (Чита давлат тиббиёт академияси, Россия); БФҚни косметология амалиётида қўллаш имкониятлари белгиланган (Миллий фармацевтика университети, Украина).

Дунёда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида асаб тизимининг нормал физиологик функцияларини таъминлайди, моддалар алмашинувини тубдан яхшиловчи, уйқусизликка қарши, яллиғланишни олдини олувчи, витаминлар билан бойитилган биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва сифатини аниқлаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: моддалар алмашинувини яхшиловчи мураккаб таркибли, яллиғланишга қарши сироплар технологиясини яратиш; иммунитет оширувчи, уйқусизликни олдини олувчи томчилар таркибини танлаш; оғиз бўшлиғи яллиғланиши ва қизаришини олдини олиш учун мўлжалланган стоматологик гель шаклидаги биологик фаол қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш; захарсиз эканлиги, кумулятив, қитикловчи, аллергия чақиритиш хоссаси мавжуд эмаслиги ва самарадорлиги аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан кенг доирада қўлланиладиган биологик фаол қўшимчаларни таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг биосамарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Дунё микёсида турли агрегат ҳолдаги, жумладан суюқ ва юмшоқ шаклда олинган биологик фаол қўшимчаларга назарий асос яратиш, уларнинг сифат меъёрларини белгилаш, асосий биологик фаол модда микдорини аниқлашда

турли физик-кимёвий усулларни қўллаш бўйича Carl Franklin Rehnborg, R.Siborne, D.Blumberg, G.Visser, B.Noto, R.Beitz, G.BMensink, B.Tisher, M.Thamm, А.А. Покровский, В.А. Тутельян, В.И. Покровский, Г.А. Романенко, В.А. Княжев, М.А. Самсонов, М.М. Левачев, В.А. Тутельян, В.А. Мещерякова, В.М. Позняковский, А.А. Вековцев, Е.О. Ермолаева, Г.А. Подзорова, Н.А. Плешкова, А.Н. Австриевских, Н.М. Аминина каби хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар аҳамиятлидир.

Маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида фитопрепаратлар ва биологик фаол қўшимчаларни илмий асосланган таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишда Ўзбекистонлик олимлар профессор Т.П. Пўлатова, Х.У. Алиев, У.М. Азизов, К.С. Махмуджанова, Н.К. Олимов, Д.Б. Миракилова, Ё.С. Кариева, Ш.Ф. Искандарова, Н.С. Файзуллаевалар томонидан олиб борилган изланишлар маълум.

Мазкур диссертация иши маҳаллий хомашёлардан олинган маҳсулотларнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш, таркибида ўсимлик экстрактларини сақлаган биологик фаол қўшимчаларнинг таркибини танлаш ва технологиясини яратиш, сифат меъёрларини белгилаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида дори воситаларини, озукага биологик фаол қўшимчалар таркиби ва уларнинг ишлаб чиқариш технологияларини яратиш» мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳаллий хом ашёлар асосида биологик фаол қўшимчаларнинг суюқ ва юмшоқ шакллари илмий асосланган таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш усулларини тавсия этиш ва уларни тиббиёт амалиётига жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари бўйича адабиётлар таҳлилин қилиш;

таркибида витаминлар ва фаол моддаларни сақловчи ичиш учун мўлжалланган суюқ шаклидаги (томчи, сироп) биофаол қўшимчиларнинг илмий асосланган таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш;

стоматологик гель шаклидаги парафармацевик воситанинг илмий асосланган таркиби танлаш ва технологиясини яратиш;

стоматологик гель шаклдаги парафармацевик воситанинг реологик хоссаларини ва биосамарадорлигини in vitro усулида ўрганиш;

томчи, сироп шаклидаги биофаол қўшимча ва стоматологик гель парафармацевик воситанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолаш усулларини тавсия этиш;

томчи, сироп шаклидаги биофаол қўшимча ва стоматологик гель парафармацевик воситалар учун қадок турларини танлаш ҳамда сақлаш шароитини аниқлаш ва сақланиш муддатини белгилаш;

томчи, сироп шаклидаги биофаол қўшимчалар ва стоматологик гель парафармацевик восита учун меъёрий хужжатлар (Ts ва ТИ) лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармасига тиббиёт амалиётда ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий хужжатлар (Ts ва ТИ) тўпламини топшириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий доривор ўсимлик экстрактлари ҳамда тиббиёт амалиётида қўлланилаётган доривор субстанциялар асосида суюқ ва юмшоқ шаклдаги биологик фаол қўшимчалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети моддалар алмашинувини меъёрловчи, яллиғланишни олдини олишга мўлжалланган, тинчлантирувчи, ошқозон ичак фаолиятини яхшилашга йўналтирилган суюқ ва юмшоқ шаклидаги биофаол қўшимчалар таркибини илмий асосда танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, яроқлилик муддатларини аниқлаш, тиббиёт амалиётига жорий қилиш мақсадида тегишли меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда кимёвий, физик-кимёвий (спектрофотометрик, ИК-спектрометр), замонавий инструментал (юқори самарали суюқлик хроматографияси), физикавий (реологик), технологик, биофармацевтик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кўк чой экстракти ва аскорбин кислотасини сақлаган «Аскорбик-Дроп» БФҚнинг илмий асосланган таркиби танлаган ва модификацияланган азот оқимидан фойдаланиб технологияси ишлаб чиқилган;

ошқозон ичак фаолиятини меъёрлаштирувчи мураккаб таркибли «Стоп-Газ» БФҚнинг илмий асосланган таркиби танланган, сифат ва миқдор кўрсаткичлари барқарорлигини таъминловчи технологияси ишлаб чиқилган;

валериана экстрактини сақлаган мураккаб таркибли тинчлантирувчи, уйқусизликка қарши томчи шаклидаги «Сомниум» БФҚнинг мўътадил технологияси ишлаб чиқилган ва сифат меъёрлари аниқланган;

модда алмашинувини меъёрлаштирувчи, поливитаминлар билан бойитилган «Комбивит» сироп шаклидаги БФҚнинг мураккаб таркибини танлашда фаол моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олиниб, технологик жараёни ишлаб чиқилган;

чучукмия ва гулхайри куруқ экстрактларини сақлаган юқори нафас йўллари яллиғланишини олдини олиш учун мўлжалланган сироп шаклидаги

«Mukalitik Qizilmiya» БФҚ таркиби илмий асосланган, технологияси ишлаб чиқилган ва сифат меъёрлари аниқланган;

“Мавстат” стоматологик гелнинг реологик хоссаларини аниқлаш натижасида у деформация кучлари қўлланилганидан сўнг қайта тикланиш хусусиятига эга тиксотроп тизим эканлиги ҳамда ҳарорат ошиши қовушқоқлик, силжишнинг кучланиши каби кўрсаткичларнинг камайишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

таклиф этилаётган томчи ва сироп шаклидаги БФҚ сақлаш шароитлари ва яроқлилик муддатлари табиий усулда турли қадоқлов материалларида аниқланган;

«Аскорбик-Дроп» ва «Стоп-Газ» ичиш учун томчи шаклидаги БФҚ, «Комбивит» ичиш учун сироп шаклидаги БФҚ (№ 000915), «Сомниум» ичиш учун томчи шаклидаги БФҚ (№ 001275), «Mukalitik Qizilmiya» ичиш учун сироп шаклидаги БФҚларнинг (№ 001151) Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ҳузуридаги Бош тиббиёт бошқармаси санитария-эпидемиологик назорати бошқармасида заҳарсизлиги, кумулятив, қитиқловчи, аллергия чақириш хоссаси мавжуд эмаслиги ва самарадорлиги исботланган;

«Аскорбик-Дроп», «Стоп-Газ», «Сомниум» ичиш учун томчи шаклидаги, «Mukalitik Qizilmiya», «Комбивит» ичиш учун сироп биологик фаол қўшимчалар учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

стоматология амалиётида протез қўйиш чоғида юзага келадиган милкларни яллиғланиши, қизаришини олдини олиш учун мўлжалланган гел шаклидаги биофаол қўшимча учун асос танланган ва технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий кимёвий, технологик, статистик, фармакологик усуллар ва клиник синовлар натижалари асосида тасдиқланган ҳамда яратилган технологияларнинг ҳаққонийлиги маҳаллий ишлаб чиқариш корхонасида ташкиллаштирилган тизимларда биологик фаол қўшимчаларни серияли ишлаб чиқариш билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимликлар экстрактлари асосида турли гуруҳдаги биофаол моддаларни сақловчи суюқ ва юмшоқ шаклдаги БФҚларнинг муайян таркиби ва технологияси ишлаб чиқилганлиги, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ сифат кўрсаткичлари белгиланганлиги, турғунлиги таъминланганлиги ҳамда заҳарли эмаслиги ва самарадор эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яллиғланиш ва шамоллаш профилактикаси учун «Аскорбик-Дроп», ошқозон ичак фаолиятини меъёрлаштирувчи «Стоп-Газ», тинчлантирувчи таъсирга эга «Сомниум», поливитаминлар билан бойитилган «Комбивит», яллиғланишни олдини олиш учун мўлжалланган «Mukalitik Qizilmiya» БФҚга «HVARA» МЧЖ

фармацевтика корхонаси билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш билан изоҳланиб, ушбу БФҚлар ишлаб чиқарилиши маҳаллий биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтиришга, импорт миқдорини камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашё асосида биологик фаол қўшимчаларнинг суяқ ва юмшоқ шакллари технологиясини назарий ва амалий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Стоп-Газ» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 306766008-001:2020) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 306766008-001:2020) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «HVARA» МЧЖда ичиш учун томчи шаклидаги семитикон субстанцияси асосида ел ҳайдовчи биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Аскорбик-Дроп» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 306766008-001:2020) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 306766008-001:2020) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «HVARA» МЧЖда яллиғланиш ва шамоллаш профилактикаси учун таркибида аскорбин кислота ва кўк чой экстрактини сақлаган ичиш учун томчи шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Комбивит» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 306766008-001:2020) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 306766008-001:2020) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «HVARA» МЧЖда моддалар алмашинувини яхшиловчи, витамин ва аминокислоталар сақлаган сироп шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Сомниум» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 306766008-004:2021) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 306766008-005:2021) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «HVARA» МЧЖда ичиш учун томчи шаклидаги тинчлантирувчи таъсирли биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Mukalitik Qizilmiya» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 306766008-003:2021) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 306766008-004:2021) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «HVARA» МЧЖда яллиғланишни олдини олувчи сироп шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

эмульсия, томчи, гель шаклидаги БФҚлар технологиясини ишлаб чиқишга оид натижалар асосида «5.71.05.01-фармация» таълим йўналиши бўйича «Фармацевтик технология» дарслиги ишлаб чиқилган (Гувоҳнома № 000-001). Натижада, техникум ўқувчиларининг биологик фаол қўшимчалар яратиш, уларни таркибига ёрдамчи моддаларни киритиш соҳасидаги билимларини бойитиш ва мустахкамлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 6 халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маҳаллий хом ашё асосида биологик фаол қўшимчаларнинг суюқ ва юмшоқ шакллари технологиясини назарий ва амалий асосларини ўрганиш**» мавзуси бўлиб, унда БФҚлар ва стоматология амалиёти учун мўлжалланган гель кўринишидаги воситаларни инновацион технологиялар бўйича ишлаб чиқаришнинг назарий асослари, Ўзбекистонда БФҚлар ва парафармацевтика даволовчи-профилактика маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, ичиш учун мўлжалланган томчи, сироп, гель шаклидаги БФҚларнинг технологиясининг ўзига хос томонлари ва ривожланиш истиқболлари бўйича маълумотлар ёритилган бўлиб, пластик-қовушқоқ дисперс системаларнинг технологиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари бўйича муаммолар мавжудлиги аниқланди ҳамда уларнинг ечимини ҳал қилиш учун илмий тадқиқотлар олиб боришга бағишланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ичиш учун мўлжалланган томчи шаклидаги биологик фаол озучавий қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш**»да тадқиқотларда ишлатилган биофаол моддалар ва ёрдамчи

моддалар. Кимёвий ва фармацевтик таҳлиллари учун асбоб-ускуналар рўйхати акс эттирилган. Шуниндек, ушбу бобда мураккаб таркибли, 3 хил томчи кўринишидаги БФҚларнинг оптимал таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар натижалари келтирилган.

Аскорбин кислота сақлаган томчи шаклидаги БФҚнинг такрибини танлашда 5 хил таркибли намуна учун томчилар тайёрланди. Таркиблар бир-биридан қўшиладиган ёрдамчи моддалар хили ва миқдори билан бир-биридан фарқ қилди ҳамда сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Таркибида аскорбин кислотаси сақлаган томчи шаклидаги БФҚларни илмий асосланган таркибини ишлаб чиқишда дастлабки изланишлар томчилатиб бериладиган эритма таркибига кирадиган дори ва ёрдамчи моддаларни бир-бирига мос келиши эритманинг табиий шароитда сақланишида унинг сифат кўрсаткичларидан: эритманинг ташқи кўриниши, рН кўрсаткичи, ичиш учун мўлжалланган томчиларнинг дозасининг бир хиллиги, қадоқ идиш ичидаги ҳажми, зичлиги, механик бирикмалар, аскорбин кислотасининг миқдори бўйича танлаб олиш тадқиқотлари амалга оширилди. Ижобий кўрсаткичга эга бўлган таркиб танлаб олинди, ушбу томчини шартли равишда «Аскорбик-Дроп» деб номланди. Унинг таркиби қуйидагича бўлди: аскорбин кислотаси 0,95, кўк чой қуруқ экстракти 0,02, глицерин 9,8, тозаланган сув 89,23, умумий масса 100,0.

«Аскорбик-Дроп» ичиш учун томчилар технологияси: эритма тайёрлаш учун олдин асептик шароит яратилади ҳамда ёрдамчи моддалар – тозаланган сув ва глицерин қуритгич жавонида 180 °С ҳароратда 30 дақиқа стерилланди.

«Аскорбик-Дроп» ичиш учун томчилар таркибига кирган дори ва ёрдамчи моддалар эритмаларни умумий технологияси бўйича қуйидаги тартибда эритилди: аралаштиригичга кўк чой қуруқ экстракти ва аскорбин кислотаси солиб устидан стерилланган глицерин солиб яхшилаб диспергирланди. Сўнг стерилланган идишга янги ҳайдалган ва кислороддан ҳалос бўлиши учун қайнатилган тозаланган сув солинади, сўнг карбонат ангидриди ва азот газлари билан эритувчи тўйинтирилди, устига ҳосил бўлган кўк чой ва аскорбин кислотасининг глицеринли аралашмаси солиниб эриб кетгунича аралаштирилди. Ҳосил бўлган эритма оғзи зич ёпилган идишда хона ҳароратигача совитилди, сўнг вакуум остида ишлайдиган филтрдан ўтказилди, сўнг юқорида келтирилган газлар оқимида стерилланган қўнғир рангли шиша идишга 10 мл дан қадоқланди ва ёрлиқланди. «Аскорбик-Дроп» ичиш учун томчиларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган «Аскорбик-Дроп» ичиш учун томчиларни ташқи кўриниши, рН кўрсаткичи, механик бирикмалардан холилиги, зичлиги, қадоқ идиш ичидаги ҳажми, ичиш учун мўлжалланган томчилар дозасининг бир хиллиги, аскорбин кислотасининг миқдори, микробиологик тозалик бўйича ижобий сифат кўрсаткичларини намоён қилди.

**«Аскорбик-Дроп» ичиш учун томчиларни сифатини баҳолаш
натижалари**

№	Сифат кўрсаткичлари, меъёрлар	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниши	Тиник, рангсиз, нордон-ширин таъмли, ҳидсиз эритма
2.	pH кўрсаткичи, 2,5 дан 8,5 гача	4,06±1,4
3.	Механик бирикмалар	Мавжуд эмас
4.	Зичлиги, г/см ³ , 1,02-1,37 г/см ³	1,18±0,07
5.	Қадоқ идиш ичидаги ҳажми, мл, %, ±10%	100,06±8,0
5	Ичиш учун мўлжалланган томчиларнинг дозасининг бир хиллиги, %, ±15%	100±1,5
6.	Аскорбин кислотасининг миқдори, г 0,90 г дан кам эмас	0,94±0,11
7.	Микробиологик тозалик	Микробиологик таҳлил бўйича 1,0 г еки 1 мл препаратда умумий миқдордаги аэроб бактериялар, замбуруғлар сони 10 ² дан юқори бўлмаслиги ва eschericha coli каби бактериялардан ҳоли бўлиши керак.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида томчи кўринишидаги тинчлантирувчи ва уйқусизликка қарши БФҚнинг илмий асосланган таркибини ишлаб чиқиш учун турли хил ёрдамчи моддалар билан валериана қуруқ экстракти, мелатонин, глицин сақлаган 6 хил таркибли намуналар тайёрланди. Томчи таркибига кирадиган дори ва ёрдамчи моддаларни бири-бирига мос келиши аниқлашда унинг сифат кўрсаткичларидан: эритманинг ташқи кўриниши, pH кўрсаткичи, ичиш учун мўлжалланган томчиларнинг дозасининг бир хиллиги, қадоқ идиш ичидаги ҳажми, зичлиги, механик бирикмалар, консервантлар миқдори, валериан кислотасининг миқдори бўйича танлаб олинди. Олиб борилган тажриба натижаларида энг ижобий кўрсаткичларга эга бўлган таркиб танлаб олинди ва унинг таркиби қуйидагича бўлди.

Валериана қуруқ экстракти 2,0, мелатонин 0,2, глицин 0,1, калий сорбат 0,1, натрий цикламат 0,2, спирт-сув-глицеринли аралашма (1:6:3) 1,0, тозаланган сув 96,4, умумий масса 100,0.

Тажрибалар натижасида тинчлантирувчи ва уйқусизликка қарши яратилиб томчи шартли равишда «Сомниум» деб номланди.

«Сомниум» ичиш учун томчиларни сифати ташқи кўриниши, pH кўрсаткичи, механик бирикмаларни борлиги, эритмани зичлиги, қадоқ идиш ичидаги ҳажми, ичиш учун мўлжалланган томчиларнинг дозасининг бир хиллиги ва валериан кислотасининг миқдори бўйича баҳоланди (2-жадвал).

«Сомниум» ичиш учун томчиларни сифатини баҳолаш натижалари

№	Сифат кўрсаткичлари	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниши	Тиник, оч-саригиш рангли, ширин таъми, таркибига кирувчи моддаларга ҳос ҳидли эритма
2.	рН кўрсаткичи, 2,5 дан 8,5 гача	6,7±1,2
3.	Механик бирикмалар	Мавжуд эмас
4.	Зичлиги, г/см ³	1,20±0,2
5.	Қадоқ идиш ичидаги ҳажми, мл, ±10%	100,2±7,5
5	Ичиш учун мўлжаланган томчиларнинг дозасининг бир хиллиги, ±15%	100±1,5
6.	Валериан кислотасининг миқдори, г 1,75 г дан кам эмас	1,9±0,02
7.	Консервантлар миқдори, 0,2% дан кўп эмас	0,1±0,05
8.	Микробиологик тозалик	Микробиологик таҳлил бўйича 1,0 г еки 1 мл препаратда умумий миқдордаги аэроб бактериялар, замбуруғлар сони 10 ² дан юқори бўлмаслиги ва eschericha coli каби бактериялардан ҳоли бўлиши керак.

2-жадвалда келтирилган тажриба натижаларига биноан «Сомниум» томчиларнинг сифати ижобий эканлиги исботланди.

Кейинги тадқиқотларда симетикон, мойчечак экстракти, фенхель эфир мойи сақлаган томчи шаклидаги БФҚларнинг таркибини танлашда, унинг таркибидаги дори моддалар ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий жиҳатдан ўзаро бир-бирига мос келиши, барқарор дисперс тизим ташкил бўлиши ўрганилди. Бунда технологик жиҳатдан симетикон моддаси бошқа эритувчилар билан яхши аралашмаслиги ҳамда таркибидаги укроп эфир мойи ва мойчечак суюқ экстракти тозаланган сув билан яхши аралашмаслигини инобатга олиб, ҳосил бўладиган эмульсияни турғунлаштириш учун эмульгатор қиритиш кераклиги аниқланди. Симетикон, укроп эфир мойи ва мойчечак суюқ экстракти ҳосил қиладиган эмульсион тизим м/с типидagi (I-тур) тўғри эмульсиялар туркумига киради. Шунинг учун эмульсион тизимни дисперс фаза ва дисперсион муҳитни барқарорлигини таъминлашда эмульгатор тури тўғри танланиши муҳимдир. Бунда эмульгаторлардан крахмал, метилцеллюлоза, натрий карбоксиметилцеллюлоза, аэросиллар иштирокида ҳамда консервант ва корригирловчи моддалар билан 4 хил таркибли намуналар тайёрланди. Танланган намуна томчи шаклидаги БФҚларнинг сифат кўрсаткичларидан: ташқи кўриниши (ранги, ҳиди, таъми), дисперс фазани термик ва коллоид барқарорлиги, рН кўрсаткичи, қадоқ

ичидаги ҳажми ўрганилди. Олиб борилган тажриба натижаларида энг ижобий бўлган таркиб танлаб олинди.

Тажрибалар натижасида ел ҳайдовчи ва қорин дам бўлишига қарши ишлатишга мўлжалланган томчи БФҚси таркиби танланди ва «Стоп-Газ» деб шартли номланди, илмий асосланган таркиби қуйидагича бўлди: симетикон 4,0, укроп эфир мойи 0,1, мойчечак суюқ экстракти 1,0, натрий сахаринат 0,25, метилпарагидроксибензоат 0,15, пропилпарагидроксибензоат 0,05, Na-КМЦ 0,8, лимон кислотаси моногидрати 0,6, тозаланган сув 93,05, умумий масса 100,0.

«Стоп-Газ» ичиш учун томчилар технологияси: эритма тайёрлаш учун олдин асептик шароит яратилади ҳамда ёрдамчи моддалар ва тайёрлашда ишлатиладиган материаллар қуритгич жавонида 180°C ҳароратда 30 дақиқа стерилланади.

«Стоп-Газ» эритмасини тайёрлашда дастлаб Na-КМЦ гелини тайёрлаш учун гель ҳосил қилувчи массасига нисбатан 4-6 марта кўп миқдорда хона ҳароратидаги тозаланган сувга солиб бўктирилди, бўккан массага қолган тозаланган сув қўшилди ва аралаштирилди. Аралаштиргичга симетикон ва мойчечак суюқ экстрактида эритилган укроп эфир мойи солиб аралаштирилди. Сўнг ҳосил бўлган дори моддалар аралашмаси хона ҳароратигача совитилган ва сузиб олинган гелсимон масса солиб, аралаштириш давом эттирилиб, эмульгирланади. Тозаланган сувнинг қолган қисмида пропилпарагидроксибензоат, метилпарагидроксибензоат, натрий сахаринат ва лимон кислотаси моногидрати солиб, эриб кетгунича аралаштирилди. Сўнг ҳосил бўлган эритма филтрланди ва бирламчи эмульсия билан оз-оздан аралаштирилди.

Ҳосил бўлган эмульсия сузиб олинди ва сифати баҳоланганидан сўнг, кўнғир рангли шиша идишга қадоқланди ва зич полимердан тайёрланган, томчи ўлчагич билан жиҳозланган идишга 10 мл дан қадоқланди. Олинган тажриба натижалари 3 жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«Стоп-Газ» ичиш учун томчиларни сифатини баҳолаш натижалари

№	Сифат кўрсаткичлари, меъёри	Олинган натижалар
1.	Ташқи кўриниши	Оқ, сутга ўхшаш қаймоқсимон суюқлик, ширин тамли, укроп ва мойчечакга ҳос ҳидга эга
2.	рН кўрсаткичи, 2,5 дан 8,5 гача	4,98±1,2
3.	Механик бирикмалар	Мавжуд эмас
4.	Зичлиги, г/см ³	1,20±0,2
5.	Заррачалар ўлчами (суспензия, эмульсиялар учун), мм	0,50±0,011
6.	Қадоқ идиш ичидаги ҳажми, мл, ± 10%	100,06±3,0
7.	Миқдори полидиметилсилоксанга нисбатан 38 мг дан 42 мг гача	39,99±0,02

8.	Консервантлар миқдори, 0,2% дан кўп эмас	0,1±0,03
9.	Томчи тушиш тезлиги: 1 секундда 1 томчидан кўп эмас	1,0±0,15
10.	Турғунлиги: - термик - коллоид (цетрифугани айланиш тезлиги 1500 айл./дақ.) 5 дақиқа давомида	турғун турғун
11.	Микробиологик тозалик	Микробиологик таҳлил бўйича 1,0 г еки 1 мл препаратда умумий миқдордаги аэроб бактериялар, замбуруғлар сони 10^2 дан юқори бўлмаслиги ва <i>escherichia coli</i> каби бактериялардан ҳоли бўлиши керак.

3-жадвалда келтирилган тажриба натижаларига биноан «Стоп Газ» томчиларнинг сифати: ташқи кўриниши, рН кўрсаткичи, механик бирикмалардан ҳолилиги, зичлиги, қадоқ идиш ичидаги ҳажми, ичиш учун мўлжалланган томчилар дозасининг бир хиллиги, полидиметилсилоксаннинг миқдори, микробиологик тозалик бўйича ижобий сифат кўрсаткичларини намоён қилганлиги исботланди.

Учинчи боб «**Ичиш учун мўлжалланган сироп шаклидаги биологик фаол қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш**»да ичиш учун мўлжалланган сироп шаклидаги биологик фаол қўшимчалар технологияси ишлаб чиқишда, фойдаланган дори ва ёрдамчи моддаларни физик-кимёвий хоссаларини инобатга олиб, таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш усуллари келтирилган.

Юқори нафас йўллариининг яллиғланиш жараёнларини профилактикаси учун мўлжалланган сиропларнинг турли хил таркиблари ўрганилди. Сироплар технологиясининг ишлаб чиқишнинг асосий босқичлардан бири бу сиропнинг қовушқоқлигини ҳосил қилувчи (асос сифатида) моддани аниқлаш. Чучукмия ва гулхайри илдизлари экстракти, аскорбин кислотаси иштирокида турли ёрдамчи моддалар (қанд, сорбит, фруктозалар) билан 6 хил намуна таркиблар тайёрланди.

Сиропда қовушқоқликни таъминловчи модда сифатида қанд рафинади танланди. У сиропда ўсимлик экстрактларини ўзига хос мазасини корригирлайди ва етарли қовушқоқликни таъминлайди. Шу билан бирга қанд рафинади топиловчан бўлиб, у иқтисодий самарадор бўлиб ҳисобланади.

Таркибида қизилмия ва гулхайри илдизи экстрактлари, аскорбин кислотаси сақлаган сироп таркиби қуйидагича бўлди ва «Mukalitik Qizilmiya» деб номланди: чучукмия илдизи экстракти 3,0, гулхайри илдизи экстракти 1,0, аскорбин кислота 0,2, қанд 64,0, этил спирти 9,4, тозаланган сув 22,4, умумий масса 100,0.

«Mukalitik Qizilmiya» сиропнинг технологияси:

1-босқич. Қанд сиропини тайёрлаш: Қанд сиропи классик схема бўйича тайёрланган, бунинг учун 64,0 қанд рафинад учун 22,4 тозаланган сув олинган.

Ҳисобланган қанд миқдорини бир неча қисмларга бўлиб, узлуксиз аралаштириш билан 60-70°C ҳароратгача қиздирилган сувга қўшилди. Қандни эритиб бўлгач, сиропни 2 марта қайнатилди (25 дақиқа давомида қайнатилади), қайнаш даврида ҳосил бўлган кўпикни йиғилиши керак. Сироп юзасида кўпик ҳосил бўлишининг тўхташи унинг тайёрлигидан далолат беради. 60% қанд сиропининг қайнаш нуқтаси 103°C ҳарорати ҳисобланди. Тайёр сироп босим остида бўз мато орқали қайноқ ҳолда филтрланди.

2-босқич. Сиропни тайёрлаш. Олинган қанд сиропи 55±5 °C градусгача совутилди ва қизилмия экстракти олдиндан ҳисобланган миқдори, гулхайри экстракти (100 г сироп учун 3,0 г қизилмия экстракти, 1,0 г гулхайри экстракти), аскорбин кислотаси киритилди этил спиртида эритиб, сиропли масса билан аралаштирилади. Сироп бир хил ҳосил бўлгунча аралаштирилди. Олинган сироп босим остида бўз мато ёрдамида сузилди. Олинган сироп оч жигаррангдан жигар ранггача бўлган қовушқоқ суюқликдир.

«Mukalitik Qizilmiya» сиропининг сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқишда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: ташқи кўриниши, зичлиги, pH кўрсаткичи, идиш тўлдириш ҳажми, қуруқ қолдиқ, экстрактив моддалар миқдори(4-жадвал).

4-жадвал

«Mukalitik Qizilmiya» сиропининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Усуллар	Норматив
Ташқи кўриниши	Визуал	Бир хил суюқлик. Опалесценцияга рухсат этилади. Очдан тўқ жигарранггача ўзига хос хушбўй хидга, озгина буриштрувчи таъми ва ўзига хос хидга эга
Чинлиги	Сифат кўрсаткичлари ЮҚХ	А) Сапонинларга реакция (кўпик ҳосил бўлиши) Б) Темир билан реакция оксид хлорид еритмаси (фенол аралашмалар) В) Хроматограммада текширилувчи эритмасидан 3-4 адсорбция зоналари аниқланади (Rf 0,39, 0,22, 0,17 ва 0.11)
Зичлиги	Пикнометрик ГФ XII қисм 1, ОФС 42-0037-07	1,275-1,325
pH	Потенциометрия ЎзДФ 1жилд, 1 қисм , 2.2.3. 03/2021:20203	от 6,50 до 6,75
Оғир металлларни аниқлаш	ДФ-XI, 16об,165-бет	0,001 % дан кўп эмас
Микробиологи к тозалик	ЎзДФ 1жилд, 2 қисм , 5.4.1. 03/2021:20203	Микробиологик таҳлил бўйича 1,0 г еки 1 мл препаратда умумий миқдордаги аэроб бактериялар, замбуруғлар сони 10 ² дан юқори бўлмаслиги ва eschericha coli каби бактериялардан холи бўлиши керак.
Миқдорий таҳлил	Спектрофотометрик усулда	Глицирин кислота миқдори 0,03 %дан кам эмас

Қадоқланиши	ГОСТ 17768-90 ГОСТ 14192-77	Ҳар бири 100 мл қўнғир рангли шиша флаконлар. Ҳар бири флакон картон коробкага жойлаштирилган
Жихозланиши	ГОСТ 14192-96	ГОСТ талабларига мос равишда
Сақлаш шароитлари	Визуал	Ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан ошмайдиган ҳароратда
Сақланиш муддати	Табиий шароитда	2 йил

4-жадвалда келтирилган тажриба натижаларига биноан таклиф этилган технология бўйича тайёрланган «Mukalitik Qizilmiya» сиропининг сифати ижобий эканлиги аниқланди.

Тинчлантирувчи, яллиғланишга қарши, витаминлар билан бойитилган, модда алмашинувни тубдан яхшиловчи ва қувватлантирувчи таъсирга эга мураккаб таркибли сиропнинг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

6 хил таркибларда намуна сиропларнинг сифат кўрсаткичлари қиёсий баҳоланди. Сироп таркибида (сорбит, ксилит, маннит) таъмини коррегирлаш учун ишлатилди, улар ичак перестальтикасига қитиқловчи таъсир кўрсатиши ҳамда намуна таркибли сироплар ранги тўқ жигарранг ҳосил қилиши ва хира тортиши кузатилди. Стевил-50 билан тайёрланган сироп таъмида аввал ширин, сўнг тахир маза сезилиши сабабли, қанд сиропида эса чўкма ҳосил бўлиши кузатилди, таркибида натрий сахаринат билан тайёрланган сироп сифат кўрсаткичлари бўйича талабларга жавоб берди. Консервант сифатида метилпарагидроксибензоат, прорпилпарагидроксибензоат, лимон кислота моногидрати, керакли қовушқоқликни таъминлаш учун глицерин, ҳидини коррегирлаш учун ароматизатор қўшилди. Олиб борилган тажрибалар натижаси бўйича энг мақсадга мувофиқ деб таркибида натрий сахаринат билан тайёрланган сироп таркиби танлаб олинди, “Комбивит” деб номланди ва таркиби қуйидагича бўлди:

Чучукмия илдизи қуюқ экстракти 3,0, валериана илдизи ва илдизпояси қуюқ экстракти 7,5, наъматак қуруқ экстракти 10,0, черника қуруқ экстракти 1,0, L-лейцин 0,183, L-изолейцин 0,183, L-лизин гидрохлорид 0,059, L-фенилаланин 0,25, L-треонин 0,042, L-метионин 0,092, L-триптофан 0,05, L-валин 0,067, аскорбин кислотаси 0,4, пиридоксин гидрохлорид 0,015, цианокобаламин 0,025, холекальциферол 2000 МЕ, кальция пантотенат 0,05, фолат кислотаси 0,005, магний лактат дигидрат 0,3, натрий сахаринат 0,375, глицерин 1,2, лимон кислотасининг моногидрати 0,9, метилпарагидроксибензоат 0,225, прорпилпарагидроксибензоат 0,075, ароматизатор 0,3, тозаланган сув 150 мл гача, умумий масса 150,0.

“Комбивит” сироп технологияси. Комбивит сироп таркибидаги витаминлар сувда эришини ҳисобга олиб аскорбин кислотаси, пиридоксин гидрохлорид, цианокобаламин, кальция пантотенат, фолат кислотаси тозаланган сувнинг 1/6 қисмида эритилиб, филтрланди. Холекальциферолни оз миқдордаги тозаланган сув билан аралаштирилиб мицелляр сув ҳосил қилинди ва витамин эритмалари билан аралаштирилди. Магний лактат

дигидрат тузи сувда секин эришини ҳисобга олиб, 50° С ҳароратдаги тозаланган сувда эритилади, эритма хона ҳароратигача совуганидан сўнг филтрланиб, витаминлар эритмаси билан аралаштирилди.

Сироп таркибига қўшиладиган тозаланган сувнинг 1/6 қисмида аминокислоталар эритилди ва витаминли эритма билан бирлаштирилади.

Сироп таркибидаги глицерин билан валериана илдизи ва илдизпояси қуюқ экстракти, чучукмия илдизи қуюқ экстракти, наъматак ва черника қуруқ экстрактлари аралаштириб устига керакли миқдорда тозаланган сув қўшилади. Бу эритмани юқорида тайёрланган эритма билан бирлаштирилади.

